

Ҳавои нафс



20:18 / 12.09.2017 5408

Қулатувчи ҳаво, ҳаво яхшилик йўлида бўлса, у амалга зарар қилиш-қилмаслиги, ҳавони ақлдан қандай ажратиш, ҳаво билан нафс васвасаси орасидаги фарқлар ҳақида сўрабсан.

Билки, нафс жасадда рухнинг шеригидир. Уларнинг иккиси ҳам елдир. Бири осмонга, бошқаси ерга тегишлидир. Рух осмонга оид ел бўлиб, у ҳаёт елидандир. Нафс ерга оид ел бўлиб, ерга берилган ҳаёт елидандир. Шунинг учун у «заррийя» деб аталган, чунки у заррадан иборатдир. Ўша елдан ерда ҳаёт тарқалган. У иккови (осмон ва ер) тилга кириб шундай деган:

«...икковлари: «Ихтиёр қилган ҳолимизда келдик», дедилар»[\[1\]](#).

Шаҳватлар нафсга жойлаштирилгандир. Шаҳватларнинг асли дўзахнинг эшиги олдида бўлиб, уларни олов ўраб олган. Шаҳватлар ўт-оловдан яратилган зийнат, ўйин-кулги ва ҳузур-ҳаловатлардир. Улар дўзахнинг эшиги олдида қўйилган. Уларнинг баъзилари одамларнинг ичига солинган бўлиб, асли эса зикр қилинган жойдадир. Ўша аслга душман ҳукмрон қилинган.

«Ҳаво» енгил елдир. У дўзахдан чиқади, сўнгра ҳалиги шаҳватлар олдидан ўтади. Улардан баъзиларини кўтариб олади ва душман билан биргаликда уларни одамларнинг нафсларига ташлайди. Қачон ҳаво келса, ундан кейин одамларнинг ичига ташланган шаҳватлар қўзғалади. Бу худди ундан қорилган хамирга қўшилган хамиртурушга ўхшайди. У кучланиб, қўзғалади ва кўпчиб кетади.

Ҳаво ҳам худди шунга ўхшайди. У дўзахнинг эшиги олдидан ушбу нафслардаги шаҳватлар олдига келтирилса, шаҳватлар ҳаяжонга тушиб, қўзғалади.

Албатта, уни душмангина олиб келади. У ўша ҳавони пуфлайди. У эса енгил елдир. Қачон душманнинг пуфлаши ўша ҳавога етса, одам боласи ўзини эплай олмай, у келтирган нарсага қулайди. Фақатгина ўша пайтда у Аллоҳдан қутқаришини сўраса ва У Зотдан паноҳ тиласа, Робби уни сақлаб қолади.

Аллоҳ азза ва жалла Танзилида демишки:

«Албатта, нафс - агар Роббим раҳм қилмаса - ёмонликка ундовчидир»^[2].

Яъни унга раҳм қилади ва сақлаб қолади. Қачон У Зот уни сақласа, кучга тўлади ва нафсни ҳаводан, яъни ҳавога эргашишдан қайтаради. Шундай қилиб, турар жойи жаннат бўлади.

Қачон ҳаво дўзах эшигидан шаҳватларни келтириб, нафсни ўзи келтирган нарсага чақирса, у (ҳаво) мазкур шаҳватлар билан аралашиб кетса ва кучайса, унинг томирларида мазкур ҳарорат жўш урса, у (банда) нафсига қарши мужоҳада қилишга ва Аллоҳдан кўмак сўрашга эҳтиёж сезади.

Агар исмат - сақлаш келса, у Аллоҳ неъмат берган бандалардан бўлади.

Агар исмат - сақлаш кесилса, у ҳаво ва шаҳватларга қулайди.

Агар банда нафсни тоатга чақирса, унинг тоати боғланиб қолади. Ўша тоатнинг ҳолатларидан бири ўзига оғир келган нарсадан ўзгарса, уни тарк қилади, ундан юз ўгириб, нафси истаган нарса томон кетади.

Демак, ҳаво барча вақт ва ишларда зарар берувчидир. Унинг эгаси адолатдан жаврга йиқилувчидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

[\[1\]](#) Фуссилат сураси, 11-оят.

[\[2\]](#) Юсуф сураси, 53-оят.